

**Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги томонидан
2023 йил якунларига кўра амалга оширилган ишлар ҳамда
2024 йилда амалга оширилаётган долзарб вазифалар бўйича
ҲИСОБОТ**

I. 2023 йилда амалга оширилган ишлар

а) аниқ лойиҳалар доирасида:

геология соҳасида (Дастур доирасида 2023 йилда **13 та** ҳудуд белгиланган), республиканинг **13 та** ҳудудида **космик мониторинг** орқали жами **8 915 та** **ноқонуний қазиб олиш** ҳолатлари, шундан, **2 206 таси** ўзбошимчалик билан қазиб олиш, **514 таси** рухсат этилган полигон чегараларини бузган ҳолда қазиб олиш ва **960 таси** дарё объектларининг санитария муҳофазаси зоналарида **ноқонуний қазиб олиш ҳолатлари**, **5 235 таси** 2021 йилгача бўлган **ноқонуний қазиб олиш** ҳолатлари аниқланди ҳамда **конуний чора кўриш учун** соҳадаги ваколатли органларга тақдим этилди.

Давлат космик мониторинги натижасида аниқланган маълумотларни тасдиқлаш мақсадида **жорий йилнинг сентябрида 5 та** вилоятда (**Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах**) умумий ҳисобда **31 та** объектда Ҳисоб палатаси, Экология ва Геология инспекциялари ва Агентлик вакилларида иборат бўлган **ишчи гуруҳ жойига чиққан ҳолда ўрганиш ўтказди.**

Ўрганиш натижасида Агентлик томонидан тақдим этилган маълумотларнинг барчаси **ўз тасдиғини топди** ва тегишли **далолатномалар расмийлаштирилди;**

ер муносабатлари соҳасида (Дастур доирасида 2023 йилда **6 та** ҳудуд белгиланган), Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари кесимида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларда жами **27 495 та** (**10 170,76 га**) эҳтимоли юқори бўлган ўзбошимчалик билан қурилган бино-иншоотлар, хусусан, Тошкентда **2 983 та** (**1 584,69 га**), Сирдарёда **886 та** (**2 007,55 га**), Жиззахда **4 625 та** (**1 342,45 га**), Бухорода **3 039 та** (**356,4 га**), Фарғонада **6 937 та** (**2 986,7 га**) ва Самарқандда **9 025 та** (**1 892,97 га**) аниқланди.

Шунингдек, юқоридаги **6 та** вилоят кесимида аҳоли пунктлари, ўрмон фонди ерлари ва сувни муҳофаза қилиш зонасида жами **9 446 та** (**Тошкент – 1 103 та, Сирдарё – 276 та, Жиззах – 1 751 та, Бухоро – 1 334 та, Фарғона – 1 822 та, Самарқанд – 3 436 та**) эҳтимоли юқори бўлган ўзбошимчалик билан қурилган бино-иншоотлар аниқланди ва **конуний чора кўриш учун** соҳадаги органларга тақдим этилди.

Аниқланган маълумотларни тасдиқлаш мақсадида Кадастр агентлигининг тегишли мутахассислари билан ишчи гуруҳ доирасида ихтиёрий **8 та ҳолатлар** (**Сирдарё – 8 та**) жойига чиқиб ўрганилди ва шундан, **6 тасида** **яққол қонунбузилиш**, **1 та** ҳолат бўйича ҳозирда қонуний чора кўрилаётганлиги ва **1 тасида** ҳуқуқий ҳужжатлари мавжудлиги аниқланди.

Аниқланган **6 та қонунбузилиш ҳолатлари** бўйича тегишли далолатномалар расмийлаштирилиб, соҳа вакилларига ва прокуратура органларига қонуний чора кўриш мақсадида тақдим этилди;

қишлоқ хўжалиги соҳасида, (Дастур доирасида 2023 йилда **2 та** ҳудуд белгиланган), қишлоқ хўжалиги майдонларининг маълумотлар базаси **тўғри ва шаффоф** юритилишини таъминлаш ва уларни **янгилаш** мақсадида **Самарқанд** ва **Фарғона** вилоятларида буғдой (**200,7 минг Га**) ва пахта экилган майдонлар (**136,9 минг Га**) аниқланди;

сув хўжалиги соҳасида, (Дастур доирасида 2023 йилда **25 та** сув омбори белгиланган) **25 та** сув омбори кесимида **аэрокосмик** ҳамда махсус **батиметрик мосламалар** орқали сув омборларининг **лойқа оқизиқлар билан тўлиб бориш динамикаси** ҳамда **сув сатҳи режими** мониторинг қилинди.

“Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан **янги технологиялар** (космик, учувчисиз учиш аппаратлари ҳамда кенг диапазондаги кўп нузли гидролокатор мосламалари) асосида сув омборларида амалга оширилган мониторинг натижасида сув омборларининг жорий максимал сув сифими ҳажмини аниқлаш имконияти яратилди.

Сув хўжалиги вазирлигида сув омборларининг лойқаланиш кўрсаткичлари бўйича сақланган эски маълумотлари **янги технологиялар** ёрдамида актуаллаштирилиб рақамли кўринишга олиб келинди.

Шунингдек, юқорида таъкидланган **25 та** сув омбори кесимида **космик мониторинг** орқали **инсон, вақт ва молия ресурсларини тежаган** ҳолда сув омборларининг **сув сатҳи режимини аниқлаш** йўлга қўйилди;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, (Дастур доирасида 2023 йилда **6 та** ҳудуд белгиланган), **6 та** ҳудудда, жумаладан, **Сирдарё, Хоразм, Бухоро, Жиззах, Самарқанд** ва **Тошкент** вилоятларида жами **1 350 та** ноқонуний чиқиндихоналар (**Сирдарё – 129 та, Хоразм – 70 та, Бухоро – 103 та, Жиззах – 66 та, Тошкент – 680 та** ва **Самарқанд – 302 та**) ва **54 та** чиқинди полигонидан ташқарига чиқиш ҳолатлари аниқланди (**Сирдарё – 3 та, Хоразм – 7 та, Бухоро – 10 та, Жиззах – 9 та, Тошкент – 10 та** ва **Самарқанд – 9 та**).

Аниқланган маълумотларни тасдиқлаш мақсадида ихтиёрий **16 та ҳолат** (**Сирдарё – 3 та, Жиззах – 4 та, Бухоро – 9 та**) ишчи гуруҳ билан биргаликда жойига чиқиб ўрганилди ва барчаси ўз тасдиғини топди, тегишли далолатномалар расмийлаштирилиб, соҳа вакилларига қонуний чора кўриш мақсадида тақдим этилди.

Давлат космик мониторинги доирасида амалга оширилиши лозим бўлган **6 та** вилоятдаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда жами **1 525 та** қурилган ноқонуний бино ва иншоотлар (**Сирдарё – аниқланмади, Хоразм – 2 та, Бухоро – 23 та, Жиззах – 80 та, Тошкент – 20 та** ва **Самарқанд – 1 400 та**) аниқланди ва маълумотлар соҳадаги ваколатли органларга тақдим этилди;

ўрмон хўжалиги соҳасида, (Дастур доирасида 2023 йилда **4 та** ҳудуд белгиланган), **Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Андижон** вилоятларининг **45,5 минг**

км² га тенг ҳудуд кесимида турли даврийликда космик суратлар олинди ва натижада **184,1 минг га** табиий ўрмонлар майдони аниқланди ҳамда мазкур маълумотлар соҳадаги ваколатли органга (*Ўрмон хўжалиги агентлиги*) тақдим этилди;

сейсмик хавфсизликни таъминлашда, (Бош вазир томонидан тасдиқланган рўйхатга кўра **18 та** сув омбори белгиланган), сув омборлар тўфонларининг зилзилабардошлигини доимий космик мониторингини юритиш мақсадида **18 та** сув омборларида **радиолокацион космик мониторинг** тизими жорий этилди ва бунинг натижасида ушбу сув омборлар тўфонларида юз бераётган **деформация, силжиш, чўкиш** каби тенденцияларни ўзида мужассамлаштирган **“Damb Monitoring System”** геоахборот тизими фаолияти йўлга қўйилиб, манфаатдор вазирлик ва идораларга (*Вазирлар Маҳкамаси, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ*) фойдаланиш учун тақдим этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 июлдаги **ПФ-119-сон** Фармони ижроси доирасида республикада мавжуд ҳуқуқ эътироф этилмаган уй-жойларнинг 2018 йил 1 майгача бўлган ҳолатига **космик суратларини қайта ишлаш натижасида олинган маълумотларни** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига тақдим этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирда **Қорақалпоғистон Республикаси** Вазирлар Кенгаши билан “Ўзбеккосмос” агентлиги ўртасида тузилган шартнома асосида **Тахиаташ** ва **Хўжайли** туманида жойлашган ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатларсиз қурилган жами **2 071 та** уй-жой бўйича маълумот тақдим этиш бўйича шартнома имзоланди ва маълумотлар тақдим этилди.

б) халқаро ҳамкорликни ривожлантириш доирасида:

2023 йил 25 апрелда **Тошкент шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига** аъзо мамлакатларнинг космик агентликлари раҳбарларининг иккинчи йиғилиши, 2023 йил 26-27-апрель кунлари **дунёнинг 30 дан ортиқ** давлатдан **250 дан ортиқ** космик **корпорациялар, агентлик** ва **қўмиталар** вакиллари иштирокида **“Space Technology Conference STC-2023”** халқаро конференцияси ўтказилди;

БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 19 декабрдаги XXII резолюцияси билан қабул қилинган Космик фазо, шу жумладан Ой ва бошқа самовий жисмларни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолият тамойиллари тўғрисидаги шартномани **ратификация қилиш бўйича** тегишли Қонун лойиҳаси **Президент Администрациясига** киритилди;

Жорий йилнинг 20 сентябрь куни **Франциянинг “Airbus”** компанияси ҳамкорлигида амалга оширилган **“Геоферма”** синов лойиҳасининг якунларига бағишланган **конференция ўтказилди**. Шунингдек, 19-21 сентябрь кунлари лойиҳанинг якунлари ва лойиҳа доирасида эришиладиган натижалар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашиш мақсадида **“Airbus”** компанияси вакиллари билан учрашувлар ташкиллаштирилди;

Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган **74-Халқаро Астронавтика Конгрессида (IAC)** “Ўзбеккосмос” агентлиги **Халқаро астронавтика федерациясига аъзо бўлди;**

Жорий йилнинг 7-8-октябрларида **Тошкент шаҳрида NASA** билан ҳамкорликда навбатдаги **NASA Space Apps** қўшма ҳақатони ўтказилди;

Агентлик мутахассислари халқаро ташкилотлар йиғилишлари, халқаро конференция ва кўргазмалар, семинарларда иштирок этиш ҳамда малака ошириш мақсадида **АҚШ, Хитой Халқ Республикаси, Германия, Озарбайжон, Исроил, Қозоғистон, Саудия Арабистони, Венгрия, Нидерландия, Таиланд Қироллиги, Туркия, Австрия, Швейцария** давлатларига хорижий хизмат сафарлари амалга оширилди;

Покистон космик фазо ва юқори атмосферани тадқиқ этиш комиссияси, **“Voyager Space” (АҚШ), “SpaceBuzz” (Нидерландия)** ташкилотлари билан **ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.**

в) таълим ва илмий салоҳиятни ривожлантириш доирасида:

Тошкент давлат **транспорт университети,** Тошкент “Кимё” халқаро университети, Тошкент шаҳридаги **Турин Политехника** университети, **Тошкент ахборот технологиялари** университети, Ўзбекистон **Миллий** университети, **“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”** Миллий тадқиқот университети, Тошкент шаҳридаги **Инха** университети билан **ҳамкорлик битимлари имзоланиб,** таълим дастурларини “Ўзбеккосмос” агентлиги билан биргаликда амалга ошириш йўлга қўйилди;

Ҳозирги кунга қадар Тошкент **ахборот технологиялари** университети, **Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия** университетини, Ўзбекистон **Миллий** университети, **Турин Политехника** университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Тошкент шаҳридаги “Кимё” халқаро университети, **Банк молия академияси** ҳамда Тошкент давлат **транспорт** университетининг жами **25 нафар** талаба ва тингловчилари Агентликда **амалиёт ўтаб келмоқда** ва космик технологиялар, космик суратларни қайта ишлаш учун қўлланиладиган маҳсус **“ERDAS”** ва **“ArcGIS”** каби дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш ва лойиҳаларни бошқариш бўйича малака ва кўникмалари оширилмоқда;

Франциянинг “ISAE-SUPAERO” ва **“Airbus Defence & Space”** компанияси, **Осиё ва Тинч океанида** космик фан ва технология таълими маркази (**CSSTEAP**), **АҚШнинг “Maxar Technologies”, “Planet Labs”** ва **“ESRI”** ҳамда **Швециянинг “Hexagon”** каби ташкилотларининг етук экспертларини жалб қилган ҳолда космик технологияларни иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ҳамда мамлакатнинг мудофаа ва хавфсизлигини таъминлаш ва давлат бошқаруви тизимида амалий қўлланилиши бўйича **семинар-тренинглар** ташкил этилди;

Агентлик тизимидаги “Космик мониторинг ва геоахборот технологиялари маркази” МЧЖ мутахассисларини хорижда тайёрлаш бўйича **“Эл-юрт умиди”** жамғармаси ҳамда **“Геометр”** МЧЖ (Россия) билан ҳамкорликда соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича **уч томонлама шартнома имзоланиб,** “Ерни

масофадан зондлаш материалларини “HEXAGON” геомакон технологиялари ёрдамида қайта ишлаш бўйича ўқув дастури ташкил этилди;

Шунингдек, АҚШнинг “GEOBOX” ва Қозоғистоннинг “Data+International” ташкилотлари экспертларини жалб қилган ҳолда жами **31 нафар** мутахассислар учун илмий-услубий семинар ва тренинглар ташкил этилди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида **космик фазони тадқиқ этиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан ҳамкорлик тўғрисида битим** доирасида “Ўзбеккосмос” агентлиги ҳамда тизим ташкилотларидан **16 нафар** мутахассисларининг илмий ва амалий билимларини ошириш мақсадида Қозоғистоннинг КГС (*Қазақстан Ғарыш Сапары*) ташкилотига **малака оширишга юборилди**.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан талабаларни етакчи хорижий олий таълим муассасаларига юбориш дастури амалга оширилмоқда (АҚШдаги **Колорадо Болдер** ва **Айова** давлат университетларига **2 нафар** талабалар таълим олиш учун юборилди).

Туркий давлатлар ташкилоти доирасида космик соҳага ёш авлодни қизиқтириш ва космик соҳанинг жозибадорлигини тарғиб қилиш бўйича **ТуркиянингБурса шаҳридаги “GUNEM”** космик ва авиация ўқув марказига **10 та** Ўзбекистоннинг **9-15 ёшгача** бўлган иқтидорли ўсмирларини ўқишга юборилди.

II. 2024 йилнинг беш ой якуни бўйича амалга оширилган ишлар

а) аниқ лойиҳалар доирасида:

Ер муносабатлари соҳасида (2024 йилда **бütün республика** белгиланган) **Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Андижон** вилоятлари бўйича космик мониторинг орқали олинган бирламчи маълумотлар қайта текширувдан ўтказилди. Натижада аҳоли пунктлари, ўрмон фонди ерлари ва сувни муҳофаза қилиш зонасида жами **20 059 та** (**Қорақалпоғистонда – 5 574 та, Хоразмда – 4 657 та, Андижонда – 9 828 та**) эҳтимоли юқори бўлган ўзбошимчалик билан қурилган бино-иншоотлар мавжудлиги аниқланди.

“Ўзбеккосмос” агентлигининг ер муносабатлари соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш бўйича **геоахборот тизими** Кадастр агентлигининг “**E-yer nazorat**” автоматлашган ахборот тизимига **интеграция қилинди** ва мониторинг натижаларини “**Электрон ҳукумат**”нинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали тақдим этиш йўлга қўйилди;

Экология соҳасида (2024 йилда **12 та** ҳудуд белгиланган) **Хоразм** ва **Бухоро** вилоятлари ҳамда **Қорақалпоғистон Республикаси** бўйича космик мониторинг орқали олинган бирламчи маълумотлар таҳлили ушбу вилоятларда жами **500 та** эҳтимоли юқори бўлган **ноқонуний чиқиндихоналар** (**Хоразм – 162 та, Бухоро – 103 та, Қорақалпоғистон – 235 та**) ва **24 та** чиқинди полигонидан ташқарига чиқиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди (**Хоразм – 6 та, Бухоро – 10 та, Қорақалпоғистон – 8 та**);

Геология соҳасида (2024 йилда **бütün республика** белгиланган) **Қорақалпоғистон Республикаси** ва **Бухоро, Хоразм** вилоятлари бўйича космик мониторинг орқали олинган бирламчи маълумотлар таҳлили ушбу вилоятларда

жами **658 та** ноқонуний қазиб олиш ҳолатлари (**Қорақалпоғистон – 339 та**, **Бухоро – 212 та**, **Хоразм – 107 та**), ва **77 та** берилган рұхсатнома чегарасидан ташқарига чиқиш ҳолатлари (**Қорақалпоғистон – 12 та**, **Бухоро – 65 та**) аниқланди;

Ўрмон хўжалиги соҳасида (2024 йилда **8 та** ҳудуд белгиланган) **Қашқадарё** вилоятида **56 031 гектар** ва **Наманган** вилоятларида **185 399 гектар** дарахт билан қопланган майдонлар аниқланди;

Қишлоқ хўжалиги соҳасида (2024 йилда **8 та** ҳудуд белгиланган) **Фарғона**, **Андижон**, **Наманган**, **Тошкент**, **Жиззах**, **Самарқанд**, **Сурхондарё** ва **Қашқадарё** вилоятларида **943 202,9 га** эҳтимоли юқори бўлган **ғалла экин майдонлари** аниқланди.

Сув хўжалиги соҳасида (2024 йилда **35 та** сув омбори белгиланган) **Янгиқўрғон**, **Қорабўғ**, **Нўғайли**, **Қамаши** ва **Гирвонсой** сув омборларининг лойқа оқизиқлар билан тўлиб бориш динамикасини ва сув сатҳи режимини мониторинг қилинди. Олинган бирламчи маълумотлар лойқа оқизиқлар билан тўлиш даражаси **Қоробўғда – 10,2%**, **Нўғайлида – 65,2%**, **Янгиқўрғонда – 12,8%**, **Қамашида – 47,04%** ва **Гирвонсойда – 79,1%**ни ташкил этишини кўрсатди;

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида сув омборлари тўғонларининг деформацияланиш, силжиш ва чўкиш динамикасини космик мониторинг қилиш лойиҳаси бўйича 2024 йил учун **11 та** сув омбори рўйхати шакллантирилди, **техник топшириқ** ҳамда **шартнома** расмийлаштирилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри кесимида бино ва иншоотлар жойлашган майдонларнинг деформацияланиш, силжиш ва чўкиш динамикасини космик мониторинг қилиш лойиҳаси бўйича **техник топшириқ** ҳамда **шартнома** расмийлаштирилди;

Мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш соҳасида тегишли вазирлик ва идоралар **диққатга сазовор ҳудудларнинг** сунъий йўлдошлардан олинган **ўта юқори аниқликдаги космик суратлари** билан таъминланди.

Учувчисиз учиш аппаратлари парвозларини бошқариш ва назорат қилиш **UTM тизимини мамлакатимизда жорий қилиш лойиҳаси** доирасида **11 та хорижий давлатлар тажрибаси** ва **22 та компанияларнинг маҳсулотлари** ўрганиб чиқилди.

Ерни масофадан зондлаш сунъий йўлдошлари ва ер усти комплексларини ишлаб чиқарувчи **илғор хорижий компаниялар** тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилди. Космик суратларнинг таҳлили орқали афғон ҳукумати томонидан **Кўш-Тева** ирригация **каналли қурилиши динамикаси** ойлик космик мониторинги ҳамда **миллий хавфсизликнинг бошқа соҳаларида 9 та ахборот таҳлилий маълумотлар** тайёрланиб тегишли ташкилотларга юборилди.

б) бошқа топшириқлар доирасида

Ўзбекистон Республикаси **Президентининг** 2023 йил 28 июлдаги **ПФ-119-сон Фармони** доирасида **Қорақалпоғистон Республикасига** ҳуқуқ эътироф этилмаган **10 896 та** уй-жойлар бўйича **космик суратларни қайта ишлаш**

натижасида олинган маълумотлар тақдим этилди, қолган **30 465 та** объект бўйича маълумотлар июл ойи якунига қадар тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси **Президентининг** 2024 йил 5 январдаги **ПҚ-5-сон қарори** ҳамда 2023 йил 20 декабрдаги **48-сонли Баёни** доирасида **Фарғона, Қашқадарё ва Самарқанд** вилоятлари кесимида суғориладиган қишлоқ хўжалиги майдонларида **сув истеъмоли ҳажмларини мониторинг қилиш лойиҳаси** амалга оширилмоқда. Ҳозирда **техник топшириқ** тасдиқланди, ҳудудлардаги суғориш тизимларининг **рақамли хариталари** яратилмоқда.

Президент Администрацияси топшириғи асосида **Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент** ва **Фарғона** вилоятларида жойлашган **20 та** маҳаллаларда **учувчисиз учиш аппаратлари** орқали **томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш бўйича** аеромониторинг ишлари ўтказилди. Натижалар Президент Администрациясига тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси **Президентининг** 2024 йил 12 февралдаги **8-сонли** баёни асосида жорий йилда янги ўзлаштириладиган ва қайта фойдаланишга киритиладиган **200 минг** гектар ер майдони рўйхатини ва харитасини яратиш вазифаси доирасида **Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах** ва **Бухоро** вилоятлари кесимида майдонларнинг **вегетатив ҳолати** бўйича маълумот шакллантирилди ҳамда таҳлил натижалари **Президент Администрациясига** тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 декабрдаги 48-сонли **Баёни** доирасида **(28-банд)** Вазирлар Маҳкамасининг “2024–2026 йилларда космик тадқиқотлар соҳасини янада ривожлантириш ва аэрокосмик технологияларни жорий этиш орқали иқтисодиёт тармоқларидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Адлия вазирлиги ҳуқуқий экспертизасидан ўтказилди ва **Вазирлар Маҳкамасига киритилди**.

Ушбу **Баённинг 30-31-бандлари** ижроси доирасида **Оҳангарон сув омборида** ишчи гуруҳ таркибида бевосита жойга чиқиб ўрганиш ишлари амалга оширилиб, сув омборида космик мониторинг натижасида аниқланган ўзгаришлар тасдиқланди ҳамда тегишли идораларга зарур хавфсизлик чораларини кўриш мақсадида тақдим этилди.

Шунингдек, **Геология соҳасида** аниқланган **2 206 та ноқонуний қазиш** ишлари давом эттириляётган ҳудудлар бўйича чоралар кўрилишини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ таркибида **Бухоро, Тошкент, Андижон, Наманган** ва **Фарғона** вилоятларига хизмат сафарлари амалга оширилди;

Космик инфратузилма ва сунъий йўлдошлар яратиш доирасида **9 та** ривожланаётган хорижий давлатларнинг миллий сунъий йўлдош алоқа тизимини яратиш бўйича тажрибаси ўрганилиб, тегишли ахборот-таҳлилий маълумотнома хулосалари тайёрланди ва **Президент Администрациясига** маълумот киритилди.

в) халқаро ҳамкорликни ривожлантириш доирасида

аэрокосмик соҳада Хитойнинг етакчи компаниялари **Ер усти ва космик сегментларининг имкониятлари**, геофазовий маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишга мўлжалланган **геоахборот тизимлари**, шунингдек, УУАларни бошқариш ва назорат қилиш **UTM тизимини** яратиш бўйича **тажрибаси амалий ўрганилди** ҳамда ҳамкорлик бўйича **таклифлар ишлаб чиқилди**;

БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 19 декабрдаги XXII резолюцияси билан қабул қилинган Космик фазо, шу жумладан Ой ва бошқа самовий жисмларни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолият тамойиллари тўғрисидаги шартномани **ратификация қилиш бўйича** тегишли Қонун лойиҳаси **Президент Администрацияси билан келишилди** ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритиш учун** тегишли ҳужжатлар тайёрланди ва **Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди**;

“Space and Major Disaster” хартиясига Ўзбекистон Республикаси ҳудуди учун ваколатли фойдаланувчи сифатида қўшилиш масаласи **Рақамли технологиялар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги** билан келишилди ҳамда **Вазирлар Маҳкамасига** томонидан эътирозлар мавжуд эмаслиги бўйича **хат олинди**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро астронавтика федерациясига (IAF) аъзо бўлганлиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан ва халқаро ташкилотларга аъзоликдан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 22 июндаги ПҚ–4756-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди;

Агентлик мутахассислари халқаро ташкилотлар йиғилишлари, халқаро конференция ва кўرғазмалар, семинарларда иштирок этиш ҳамда малака ошириш мақсадида **АҚШ, Таиланд Қироллиги, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркия Республикасига** хорижий хизмат сафарлари амалга оширилди;

Марказий Осиё Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссиясининг Илмий ахборот маркази, “Synspective” (Япония) компанияси билан **Англашув меморандумлари** имзоланди ҳамда Туркия Республикаси Турк космик агентлиги билан Аҳдлашув баённомасини жорий йилнинг июнь ойида бўлиб ўтиши кутилаётган олий даражадаги ташриф доирасида имзолашга тайёрланди;

МДХ Ижроия қўмитасидан Давлатлараро космик кенгашнинг 5 йиғилишини 2024 йил сентябрь ойида Тошкентда ўтказиш бўйича таклиф олинди ҳамда **Рақамли технологиялар вазирлигига** мазкур йиғилишни “ICTWEEEEK” доирасида ўтказиш бўйича таклиф **Ташқи ишлар вазирлиги орқали МДХ Ижроия қўмитасига** киритилди;

Глобал сунъий йўлдошли навигация тизимлари бўйича **АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси** вакиллари билан **АҚШ Ҳаво кучларининг “GPS” тизими**

бўйича тегишли бўлинмаси билан алоқалар ўрнатиш бўйича учрашув ўтказилди, **Европа Делегацияси** томонидан “Galileo” тизими доирасида ҳамкорлик қилиш истиқболи ижобий кўриб чиқилиб, **Европа Делегацияси** томонидан алоқа қилиш бўйича шахс тайинланди ҳамда **Россиянинг “ГЛОНАСС” НШ** билан англашув меморандумини имзолаш масаласи келишилди;

Туркий давлатлар ташкилоти космик агентликлари ва тегишли ташкилотлари раҳбарларининг 3-йиғилишида иштирок этилди;

24-26-апрель кунлари **Туркиянинг Анқара** шаҳрида “Space Technology Conference, STC 2024” конференциясида иштирок этилди.

г) таълим ва илмий салоҳиятни ривожлантириш доирасида:

Тошкент Давлат транспорт университети базасида **Мудофаа вазирлигининг 7 нафар** мутахассислари учун **геоахборот тизимидан фойдаланиш бўйича ўқув курси** ташкиллаштирилиб, уларга тегишли **сертификатлар топширилди**;

Тошкент давлат **транспорт университети**, **Тошкент ахборот технологиялари университети**, Ўзбекистон **Миллий университети**, “**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**” Миллий тадқиқот университети, Тошкент шаҳридаги **Инҳа** университети билан **ҳамкорлик битимлари имзоланган бўлиб**, таълим дастурлари доимий равишда “Ўзбеккосмос” агентлиги билан ҳамкорликда, космик тармоқ янгиликларини қўллаган ҳолда амалга оширилмоқда;

“**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**” Миллий тадқиқот университети ҳамда Тошкент давлат **транспорт** университетининг жами **35 нафар** талаба ва тингловчилари Агентликда **амалиёт ва стажировка ўтаб келмоқда**. Шунингдек, уларнинг космик технологиялар, космик суратларни қайта ишлаш учун қўлланиладиган маҳсус “**ERDAS**” ва “**ArcGIS**” каби дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш ва лойиҳаларни бошқариш бўйича **малака ва кўникмалари оширилмоқда**;

Жорий йилнинг 9 феврал куни **Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер Университети** қошидаги академик лицей билан ҳамкорликда **БМТнинг Космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитасининг (UNOOSA) симуляцияси (Model United Nations)** ташкиллаштиришда фаол иштирок этилди. Мазкур ноёб форматдаги симуляцияда хорижий тилларни юқори даражада билувчи **200 нафарга яқин иқтидорли ёшлар қатнашишди**;

“**Зиё Форум**” ташкилоти билан ҳамкорликда январ ойи давомида иқтидорли ёшлар учун “**Cosmos in our life**” **конкурси бўлиб ўтди**. Мазкур конкурс ижтимоий тармоқда кенг ёритиб борилди ва яқунда ғолибларда сертификатлар ва эсталик совғалари тақдим этилди;

“**Gold Fund**” қатнашчилар сафини кенгайтириш мақсадида Олий таълим муассасаларидаги (**Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**)нинг иқтидорли талабалар ва профессор-ўқитувчилари билан учрашувлар ўтказилди;

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида 2024 йил 14–16-апрель кунлари бўлиб ўтган **“KazSmartSpace 2024” 3-халқаро танловда** фахрли **1-2-3-ўринларни қўлга киритган** “Сехриё” нодавлат таълим муассасаси ёш ихтирочиларни **тақдирлаш маросимида иштирок этилди** ҳамда **“Ўзбеккосмос” агентлиги директори номидан фахий ёрлиқларни жамоаларга тантанали равишда тақдим этилди;**

Кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида олий таълим муассасаларида ташкил этилган **жами 7 та "Job&Career Fair"ларда қатнашилди;**

Франциянинг “International Space University”, “Supaero”, **Италиянинг** “Bocconi University”, “Padua University”, **Туркиянинг** “Plan-S”, “Гүҳем”, **Қозоғистон Республикасинг** “Data+International”, “E&Y Academy”, **АҚШнинг** “Geobox”, **Хитой Халқ Республикасинг** Aircas”, “ChinaSiwei”, “Northwestern Polytechnical University”, **Корея Республикасинг** “Contec”, “Geo2” ва Япониянинг “Synspective” ва бошқа бир қатор таълим ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан алоқалар ўрнатилиб, экспертларни жалб қилган ҳолда космик технологияларни иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ҳамда мамлакатнинг муҳофаа ва хавфсизлигини таъминлаш ва давлат бошқаруви тизимида амалий қўлланилиши бўйича **семинар-тренинглари ўтказилмоқда;**

Шунингдек, **АҚШнинг “GEOBOX”** ва **Қозоғистоннинг “Data+International”** ташкилотлари экспертларини жалб қилган ҳолда жами **37 нафар** мутахассислар учун илмий-услубий семинар ва тренинглари ўтказилди;

“Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан талабаларни етакчи хорижий олий таълим муассасаларига юбориш дастури амалга оширилмоқда (**АҚШнинг Миннесота** давлат университетига **1 нафар** талаба таълим олиш учун юборилди).